



SCIENCE BOX

ТУРКИСТОНДА МАРДИКОРЛИККА ҚАРШИ КУРАШ ТАРИХИГА НАЗАР

Азим Хўжамов

Қарши давлат университети талабаси

Аннотация: Мазкур мақолада мардикор атамаси, Туркистондаги мардикорлик тарихи ва унга қарши ҳаракатлар ва оммавий норозиликлар ҳақида таҳлилий фикрлар берилган.

Калит сўзлар: Туркистон, мардикорлик, Ўрта Осиё, чоризм, метрополия, колония.

XIX асрнинг иккинчи ярми Ўрта Осиё халқлари тақдирида кескин ва фожиали бурилиш ясаган давр бўлди. Чоризмнинг XIX аср 60-80-йилларидағи ҳарбий юришлари натижасида улар аввал бошдан «чет ўлка» йуналишида ва Россия империясига боғлик ҳолда юзага келган ва ривожланган янги ҳуқуқий, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимиға киритилди. Зўрлик йули билан жорий қилинган бу муносабатлар минтақада анъанавий қарор топган муносабатларни ва уларнинг миллий асосда ривожланиш имкониятларини қўпариб ташлади. Янги муносабатларни ҳуқуқий расмийлаштириш тегишли ҳокимият институтлари ва «метрополия - колония» ёки «марказ - чет ўлка» принципига кўра иш олиб борган бошқарув тизимини яратиш йули билан амалга оширилди.

Шундай қилиб, Туркистон халқлари аввалбошданоқ икки томонлама зулм остида қолдилар. Улар учун сақлаб қолинган хонлик маъмурий-солиқ; тизими Россия империяси полиция-бюрократик давлатининг бутун қудрати ва қўшимча равишда миллий-мустамлака зулм усуслари билан янада зўрайтирилди¹.

Мардикор ўрта асрларда қишлоқ жойларда «чайрикор», бавзан «мардикор» деб, шаҳарларда эса факат “мардикор” деб атаб келинган. Ҳатто ёлланма ишчи кучи сотиб олинадиган «Мардикор бозори» ўлканинг ҳар бир шаҳар, туман марказида, катта қишлоқларда бир нечтадан бўлган².

Ўлкамизда мардикорчилик анча кенг тарқалган. Жамият ҳаётида сезиларли ўрин тутганлигига қарамай, у қадимий, барқарор ижтимоий нуфуз, мақом, ҳақ-ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилган ижтимоий табақа, қатламга айланмаган.

Мардикорларни руслар томонидан шундай аталишининг асосий сабаби шундаки, чор Россияси ҳукуматининг ўлка аҳолисини мажбурий равишда ҳарбий ишларга жалб қилиш тўғрисидаги дастлабки хатти-ҳаракатлари барбод бўлгач, у янгича усул ўйлаб топди. Бунга кўра, энди Туркистон ўлкасининг маҳаллий аҳолиси кунлик иш ҳақи қатъий белгиланган тартибда маълум муддатга уч ойга, чор Россияси ҳудудига ҳарбий ишларни бажаришда ёрдамлашиб ниқоби остида сафарбар этилди. Бинобарин, маълум бир вақтга муайян иш ҳақи эвазига ишлаш учун олиб кетилган ўлкамиз аҳолисига нисбатан «ёлланган ишчилар», яъни «мардикорлар» атамаси қўлланилди. Аммо шу кунга қадар олимларимиз ўз асарларида

¹ Абдурахмонова Н., Эргашев Ф. Туркистонда Чор мустамлака тизими. Т. 2002 й. 35-бет.

² Чориев З. Туркистон мардикорлари: сафарбарлик ва унинг оқибатлари(1916-1917 йй). Т.1999 й. 32-бет.



SCIENCE BOX

Туркистон ўлкаси аҳолисини, фронт ортида ишлаганлиги учун, «фронт ортидаги ишчилар», деб номлаб келишди.

Хуллас, уруш йилларида фронт орти ва ҳаракатдаги армия ҳудудларида ҳарбий ишларни бажариш мақсадида сафарбар этилган ўлкамиз аҳолисига нисбатан «мардикор» ва «мардикорчилик» атамаларининг қўлланилиши ҳақиқатга тўғри келади. Ваҳоланки, ўша даврда махаллий аҳоли бу сафарбарликни мардикорликка олиш тарзида талқин этган³.

Фронт ва фронт ортидаги катта мағлубиятлар, инсон, ишчи кучи ва саноат потенциалларини ўйқотиш, буларнинг ўрнини тўлдириш, Россия империясидаги аҳволи танг минтақаларни ўнглаб олиш учун Туркистондаги қолоқлик ҳолатини, руҳий мослашмаганликни хисобга олмай тайёр, қўшимча ва арzon иш кучи захираларига эга бўлиш, урушдаги аҳволни барқарорлаштиришга, яъни вазиятдан чиқиб олишга эришиш учун чор ҳукумати мажбуран бундай жиноий хатти-ҳаракатга журъат қилди. Сохта ватанпарварлик йўналишида, Европа ижтимоий-маданий ва технологик тараққиётiga на амалий, на руҳий ва на иқлим жиҳатидан мослашмаган юз минглаб Туркистон ўлкаси аҳолисини шафқатсиз уруш кетаётган фронт ва фронт ёқасидаги сапёрлик, дарахт кесиш, озиқ-овқат, ем-ҳашак, от-улов, тоғ-кон, транспорт, темир йўл ишларига қонунсиз тарзда сафарбар этиш тўғрисида фармон берилди. Натижада, бу тадбир соғлом, ишга ярокли юз минглаб аҳолининг машаққатли меҳнат, қиши-кировли кунлар таъсирида ёппасига касалланишига, аксариятининг қирилиб кетишига, жуда оз қисминигина ўз юртига қайтиб келиши билан якунланди. Бу чор мустамлака тузумининг халқимизга қарши эллик йил давомида узоқни кўзлаб олиб борган очиқ жинояткорона сиёсатининг гўёки давоми бўлди.

1916 йил июлда Туркистонда мустамлакачиликка қарши энг йирик миллий-озодлик қўзғолони бошланди. Дехқонлар, косиблар, шаҳар ва қишлоклардаги йўқсиллар махаллий маъмуриятга қарши, туб аҳоли вакилларининг уруш ортидаги ишларга олинишига қарши фаол ҳаракатга кў-шилдилар. Улар чақирилганларнинг рўйхатларини ёндиришар, ҳокимият вакилларини калтаклашар, баъзан эса ҳатто ўлдиришар, уезд ва булис бошқарувчilarinинг канцеляриялари ва уйларига қуролли хужумлар қилас, полиция ва ҳарбийлар билан конли олишувлар уюштирган эдилар⁴.

Юзага келган вазиятдан қаттиқ ташвишга туш-ган чор ҳукумати қўзғолонни бостириш учун шошилинч чоралар кўришга киришди. 1916 йил 17 июлда Туркистонда ҳарбий ҳолат эълон қилинди. Оммавий ва тартибсиз хибсга олишлар ўтказилиб, қўзғолон қатнашчилари ҳар-бий судга берилди. Ҳарбий-судлов низомининг 1308-моддасида кўрсатилган тартибда чор армияси офицерлари сирасидан «маҳсус ҳарбий судлар» ташкил қилинди⁵. Ҳарбий вазир Д.С.Шуваев махаллий маъмурларга йўллаган телеграммасида «қўзғолонга таалуқли ишларни зудлик билан кўриб чиқиш учун» ушбу судларга «ўлканинг барча ҳудудларига хеч қандай тўсқинликсиз чиқиш, «айрим шахслар» устидан етарли маълумотлар олинган заҳоти, бошқа қатнашчilarinинг тергови тугашини кутиб ўтирасдан, уларни судга тортиш ҳуқуки берилди⁶.

Қўзғолон қатнашчилари жиноий жавобгарликка Жиноий Низомининг 100-моддасига кўра қаттиқ жазоланадиган жиноятчилар сифатида тортилдилар. У қўзғолоннинг фаол

³ Чориев З. Туркистон мардикорлари: сафарбарлик ва унинг оқибатлари(1916-1917 йй). Т.1999 й. 34-бет

⁴ Абдурахмонова Н., Эргашев Ф. Туркистонда Чор мустамлака тизими. Т. 2002 й. 139-бет.

⁵ Ўрта Осиё ва Қозогистондаги 1916 йил қўзғолони. Хужжатлар тўплами (рус тилида). М., 1960, 640-бет.

⁶ Ўрта Осиё ва Қозогистондаги 1916 йил қўзғолони. Хужжатлар тўплами (рус тилида). М., 1960, 640-бет.





SCIENCE BOX

иштирокчилари учун ўлим жазосини назарда тутарди. Ушбу моддага кўра Жиззах уездидаги қўзғолоннинг купчилик иштирокчилари жазога тортилдилар⁷.

Суд жараёнлари ёпик эшиклар ортида ўтказилди. Чор адлияси айбланувчилар тақдирини кўпи билан икки-уч кун ичида ҳал қиласар эди. Аксарият ишлар бир неча юз варакдан иборат бўлишига қарамай, улар юзасидан айлов хулосалари кўпинча, бош ҳарбий прокурор ёрдамчиси Игна- тович Туркистон ҳарбий округи қўмондонига йуллаган маълумотида мақтанганидек, «яшин тезлигида чиқариларди.

Ушбу маълумотлардан келиб чиқиб шуни айтиб ўтиш лозимки, Туркистонда 1916 йилги мардикорликка қарши кураш ҳаракатлари халқнинг иродасини ифодалабгина қолмай, мустамлакачи маъмуриятнинг адолатсиз сиёсати ва ҳар ерда махаллий аҳолининг ҳақ-хуқуқларини поймол қилганининг қаттиқ натижаси бўлди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Абдурахмонова Н., Эргашев Ф. Туркистонда Чор мустамлака тизими. Т. 2002 й.
2. Чориев З. Туркистон мардикорлари: сафарбарлик ва унинг оқибатлари(1916-1917 йй). Т.1999 й.
3. Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги 1916 йил қўзғолони. Хужжатлар тўплами (рус тилида). М., 1960.
4. Ташпулатов Б. Ш. XX АСРДА ТУРКИСТОНДА ТИББИЁТ ЙЎНАЛИШИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ //ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ. – 2020. – №. SI-1 № 3.
5. Tashpulatov B. S. LOOKING AT THE HISTORY OF MEDICAL EDUCATION SYSTEM (ON THE EXAMPLE OF UZBEKISTAN) //Gospodarka i Innowacje. – 2022. – T. 23. – C. 176-181.
6. Ташпулатов Б. Ш. Медицинское образование в Узбекистане //Электронный сетевой полitemатический журнал "Научные труды КубГТУ". – 2020. – №. 3. – С. 480-486.

⁷ Абдурахмонова Н., Эргашев Ф. Туркистонда Чор мустамлака тизими. Т. 2002 й. 140-бет.

